IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 9 351,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 123,8%ни ташкил қилди. Асосий капиталгакиритилган жами инвестицияларнинг 1 250,4 млрд. сўми хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 3 247,1 минг сўмни ташкил этди.

2018 йил январь-декабр ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Олмалиқ шаҳар 14 168,0 минг сўм, Нурафшон шаҳар 13 030,4 минг сўм, Оҳангарон шаҳар 10 046,5 минг сўм ва Чирчиқ шаҳрида 7 331,0 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Бекобод тумани 422,0 минг сўм ва Қуйичирчиқ туманида 759,7 минг сўмни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	*ўсиш суръати, %*	*якунга нисбатан %*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	**9 351,4**	**123,8**	**100,0**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	**2 477,7**	**124,9**	**26,5**
бюджет маблағлари	340,8	97,9	3,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	539,6	295,2	5,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	1 131,1	161,6	12,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	461,0	61,6	4,9
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	5,2	133,3	0,1
Марказлашмаган инвестициялар	**6 873,7**	**123,4**	**73,5**
корхоналарнинг ўз маблағлари	2 734,4	100,8	29,2
тижорат банк кредитлари	1 819,3	108,1	19,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1 299,0	596,8	13,9
аҳоли маблағлари	993,5	107,5	10,6
бошқа қарз маблағлари	27,5	87,8	0,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2018 йил январь-декабрь ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 2 734,4 млрд.сўм якунга нисбатан 29,2 % ни ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



2018 йил январь-декабрда ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами млрд.сўм	*фоизда*	*Давлат*	*фоизда*	*Нодавлат*	*фоизда*
Жами, млрд. сўм	**9 351,4**	**100,0**	**1 139,1**	**100,0**	**8 212,3**	**100,0**
шу жумладан: мумий ҳажмга нисбатан % да						
қурилиш-монтаж ишлари	4 358,7	46,6	914,4	80,3	3 444,4	41,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	4 580,0	49,0	96,0	8,4	4 484,0	54,6
бошқа ҳаражатлар	412,7	4,4	128,8	11,3	283,9	3,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2018 йил январь-декабрь ойларида машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларга йўналтирилган улуши 49,0%ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

(млрд.сўм)

	Январь–декабрь			
	2017 й.	***Умумий ҳажмга нисбатан %да***	***2018 й.***	***Умумий ҳажмга нисбатан %да***
Жами:	**5584,0**	**100,0**	**9351,4**	**100,0**
шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	381,3	6,8	521,4	5,6
тоғ-кон саноати	1120,2	20,1	1428,9	15,3
қайта ишлаш саноати	1726,3	30,9	2845,7	30,4
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	217,3	3,9	257,4	2,8
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	75,4	1,4	132,6	1,4
қурилиш	60,9	1,1	113,6	1,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	145,1	2,6	140,1	1,5
ташиш ва сақлаш	289,0	5,2	312,8	3,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	29,6	0,5	37,5	0,4
алоқа ва ахборотлаштириш	64,9	1,2	59,5	0,6
молия ва суғурта фаолияти	28,9	0,5	45,2	0,5
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	40,4	0,7	44,3	0,5
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	55,0	1,0	162,6	1,7
маъмурий ва қўшимча хизматлар	59,0	1,1	66,4	0,7

	Январь–декабрь			
	2017 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2018 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	138,5	2,5	297,0	3,2
таълим	71,4	1,3	263,7	2,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	76,2	1,4	456,2	4,9
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	26,1	0,5	294,0	3,1
уй-жой қурилиши	965,1	17,3	17,6	0,2
бошқа фаолият турлари	13,4	0,2	1855,1	19,8

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича *(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 2 845,7 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 30,4 %) шундан металлургия саноати 636,9 млрд.сўм (6,8 %), тўқимачилик маҳсулотлари 627,2 млрд.сўм (6,7 %), резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар 337,3 млрд.сўм (3,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 242,9 млрд.сўм (2,6 %), тоғ-кон саноатида 1 428,9 млрд.сўм (15,3 %), шундан металл рудаларини қазиб олишда 1 392,7 млрд.сўм (14,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 521,4 млрд.сўм (5,6 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 456,2 млрд.сўм (4,9 %), ташиш ва сақлаш 312,8 млрд. сўм (3,3 %), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 294,0 млрд.сўм (3,1 %) таълим 263,7 млрд.сўм (2,8 %), ва бошқа фаолият турлари 1 855,1 млрд.сўмлик (19,8 %), инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши

2018 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 919,5 минг кв.м бўлган 6 419 та шундан қишлоқ жойларида 793,4 минг кв.м 5 456 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 993,5 млрд. сўми ёки 39,1% турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-декабрда 2 543,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 % ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 77,6 % бинолар ва иншоотларни, 12,1 % фуқаролик қурилиши объектларини ва 10,3 % ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2 373,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,3 % (2017 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 111,9 %) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати
(2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Олмалиқ шаҳар 163,4 % ва Тошкент тумани 145,7 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Бекобод шаҳар 101,7 % Ўртачирчиқ тумани 101,5 % ва Бўка туманларида 101,5 %ни ташкил қилди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига қурилиш соҳасида 2659 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 610 тага ёки 29,8 % га кўпдир. Шунингдек, 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоятда 581 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79,3 фоизга кўпайган.

Рўйхатга ўтганлар сони

- 2019 йилда 2659 та
- 2018 йилда 2659 та

Фаолият кўрсатаётганлар сони

- 2019 йилда 2296 та
- 2018 йилда 1704 та

Янги ташкил этилган сони

- 2019 йилда 581 та
- 2018 йилда 324 та

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига қурилиш соҳасида 2648 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 628 тага ёки 31,1 % га кўпдир. Шунингдек, 2018 йил январь-декабрь ойларида вилоятда 580 та кичик бизнес субъектлари янги ташкил этилган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79,6 фоизга кўпайган.

Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини таҳлили, *бирликда*